

---

## “ТУРК ҲАВО ЙЎЛЛАРИ” ИСТАНБУЛДАН ФАРҒОНАГА АВИАҚАТНОВЛАР УЧУН РУХСАТНОМА ОЛДИ

Дунёнинг етакчи авиакомпанияси – “Турк ҳаво йўллари” (“Turkish Airlines”) Истанбулдан Фарғонага, шунингдек Урганчга мунтазам авиақатновларни амалга ошириш учун рухсатнома олди.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги "Ўзавиация" агентлиги томонидан 2021 йил 15 апрелда ушбу авиакомпанияга Истанбул –Фарғона – Истанбул ва Истанбул – Урганч – Истанбул йўналишларида Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга ошириш учун рухсатнома берилди.

“Турк ҳаво йўллари”нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бош директори Селим Каҳриман бошчилигидаги кўп сонли турк мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ Фарғона халқаро аэропортини кўздан кечириш ҳамда мавжуд инфратузилма ва хавфсизлик тизими билан жойида танишиш учун Фарғонага келгани ҳақида март ойида хабар берилганди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)  
2021-04-20 17:42:03